

МЕХНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК, ТУРМУШ БЎЛАР ЧИРОЙЛИК

Бу ҳақиқат ҳаётимиз тарзига айланиб бормоқда

(Боши 1-саҳифада)

Оила даромадини юксалтириш, барқарорлигини таъминлашни Мустақиллигимиз, Конституциямиз берди. Жорий йилда қабул қилинган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун ана шундай эзгу мақсадларнинг ишончаси бўлди.

Ўзбекистонда стратегик тараққиётнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида хусусий мулкнинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш белгиланган бугун эришаётган тараққиётимизнинг негизи бўлмоқда.

Айни шу жиҳат жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтимоий-сиёсий барқарорлик кафолати, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган мулкдорлар синфини шакллантириш имконини берди.

Характери ихчам, ҳаракатчан, бозор конъюктурасига, истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжга тез мослаша оладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси иқтисодий-иқтисодий асосий тараққиётини белгилаб келмоқда. Шунингдек, ушбу соҳа аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурида айни шу соҳага алоҳида эътибор қаратилган ҳам беҳиз эмас. Бунинг натижаси йилдан-йилга ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ортиб бораётганлиги, аҳолини иш билан таъминлашда ҳиссаси ошиб боришида намоён бўлмоқда.

Хозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган sanoat маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўри келмоқда.

Мамлакатимиздаги иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроги ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакатни обод этишда ушбу соҳанинги ўрни нақадар катта экан-



лигини қуйидаги рақамлар ҳам исбот этади: 2005-2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни яратилган бўлса, шунинг 60 фоиздан ортиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссасига тўри келади.

Бозорга кирсангиз, ўзингиз гувоҳи бўласиз, қадоқланган, қайта ишланган, консервланган кўплаб маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Чиройли, бежирим қадоқланган ушбу маҳсулотларнинг ишлаб чиқарувчилари эса фермер ҳўжаликлариридир.

Истиқлол йилларида қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фермер ҳўжаликларининг ташкил этилиши, соҳада қучли ҳуқуқий асос яратилиши, моддий-техника базасининг мустаҳкамлалини, фермерларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш борасидаги комплекс чора-

тадбирлар фермер ҳўжаликлари самарадорлиги ва рентабеллиги ўсишини таъминлади. Бугунги кунда галланин 80 фоиздан ортиги, пилланин қариб 98 ва пахтанин 99,5 фоизи фермер ҳўжаликларига ҳиссасига тўри келаятганлигини ўзига фермерлар қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари

етиштиришда ҳал қилувчи кучга айланганини кўрсатади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 1990 йилда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган галланин 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотлари-



нинг 60 фоизга яқини, картошка-нинг 50 фоизи четдан келтирилган эди. Уша пайтда мамлакатимиз импорти таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 70 фоиздан ортиқни ташкил қилган.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида, хусусан, фермерларга яратиб берилган шароит ва им-

тиёзлар озиқ-овқат муаммосини ўз имкониятларимиз ҳисобидан ҳал қилиш, айниқса, дон мустақиллигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштиришда, авваламбор, ички талаб ва шарт-шароитларимиздан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиши натижасида аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобидан таъминлашга эришилди.

Айни пайтда фермер ҳўжаликлари қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини барпо этишда, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сиёсий кучга айланмоқда. Юртбошимизнинг: "Фермер бой бўлса - мамлакат обод бўлади" деган сўзлари замирида ҳам ана шундай ҳақиқат муржасам эди.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш

эътиборнинг ёркин намунаси бўлди, - дейди Қашқадарё вилояти Касби туманидаги "Юрт rischi" фермер ҳўжалиги раҳбари Насрулло Худойбердиев. - Хозирда фермер ҳўжалигимизда 200 нафардан ортиқ доимий ва мавсумий ишчиларимиз билан 150 гектар ерда пахта ва галла, 210 гектар ерда чорва моллари учун ем-ҳашак етиштиряпмиз. Минг бошга яқин чорвамиз бор. 50 уя асалари боқаяпмиз. Биогаз асосида ишлайдиган ярим гектарли иссиқхонамизда маҳсулот етиштириб, бозорга арзон нархда чиқараяпмиз. Хориждан замонавий технология олиб келиб, гўшт ва сутни қайта ишлашни йўлга қўйганмиз. 22 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Шунингдек, маҳаллий ўғитдан биогаз ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Фермер ҳўжалигимиз кўп тармоқли бўлгани боис бир йилги даромадимиз бир миллиард сўмдан ошди.


Ҳа, даромади ошган фермерлар, тадбиркорлар, томорқчиларнинг маҳалла-қўйга нафи тегмоқда. Уларнинг сай-ҳаракати, саво-вати, интилишлари билан маҳалла, юрт, жамият обод бўлмоқда.

Обод турмуш йилида барча жаб-халарда амалга оширилажак ишлар кўламини янада кенгайтириши эса динли янада равшанлаштиради.

Бу эса ҳар биримизнинг кўнгли-мизда эртанги кунга ишонч туйғу-сини мустаҳкамлаб, янги-янги ре-жа-лар, янги-янги мақсадлар билан тараққиёт сари дадил одимлашга ундамоқда. Юрт тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш-да маъсулиятимизни оширмақда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқимизнинг "Меҳнатдан кел-са бойлик - турмуш бўлар чи-ройлик" деган мақоли замири-да муржасам бўлган ҳақиқатни ҳаётимиз тарзига айлантириш йўлида янги йилда ҳам катта-катта ишларни амалга ошири-шимиз зарур.

Анвар ҚУЛМУРDOV, "Qishloq hayoti" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



Қорақалпоғистон Республикаси

ХУНАРМАНДЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Нукӯса оилавий тадбиркорлик ва миллий хунарманчиликни ривожлантиришда банк кредитларининг аҳолияга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси "Хунарманд" бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда таъкидланганидек, оилаларни, айниқса, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлик ҳамда миллий хунарманчиликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида мазкур партия томонидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тадбир доирасида тижорат банклари томонидан 15 нафар хунарманда имтиёзли кредит олиш имконини берадиган сертификатлар топширилди. Тижорат банклари кредити эвазига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантираётган хунармандлар ўз маҳсулотлари кўрғазмасини ҳам ташкил этишди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти

«БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ» ЯРМАРКАСИ

Қарши шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, ички ишлар бўлими ҳамда шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида болалар маданият ва истироҳат боғида "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ўтказилди.

— Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад иш билан банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни, хотин-қизларни, қуроли кучлар сафидан бўшатилган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган фуқароларни, ҳарбийларнинг оила аъзоларини доимий иш жойлари билан таъминлаш, касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш кўрсатилган жалб этиш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўналтириш орқали ижтимоий ҳимоялашдир. — дейди Қарши шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Отабек Болтаев.

"Бўш иш ўринлари" ярмаркасида шаҳар ҳудудидаги 52 та корхона ва ташкилотлар ўзларининг 520 та бўш иш ўрни ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлари кўрғазмаси билан қатнашдилар.

Ярмарка давомида қўллаб-қувватловчи мавжуд иш ўринларига ишга жойлаштирилиш учун йўлланмалар берилди.

ОЛИМА АЁЛЛАР АНЖУМАНИ

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон хотин-қизларининг "Олима" уюмчаси, Қарши муҳандислик иқтисодий институти, Қарши давлат университети томонидан "Ўзбекистон хотин-қизларининг жамият ва оила мустаҳкамлигини таъминлашда тугган ўрни: тарих ва ҳозирги замон" мавзусида республика илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Конференцияда жамиятда хотин-қизларнинг роли, олима аёлларнинг илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси, ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги нуфузини ошириш, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этишлари учун қўлай шарт-шароитлар яратилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу эса соғлом оилани шакллантириш, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини муваффақиятли амалга ошириш, аёллар ва болаларни соғломлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон хотин-қизларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда тугган ўрни, илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида фикр алмашдилар.

Тадбир доирасида хотин-қизларнинг тадбиркорлик ва хунарманчилик соҳасидаги ишлари кўрғазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, ахборот-коммуникация воситаларидан самарали фойдаланишга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳар бир соҳада янгиликни жорий этган ҳолда замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш тармоқларини такомиллаштиришни тақозо этаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ: ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ЯХШИЛАНИБ, АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЯНГИЛАНМОҚДА

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ соҳани замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизини янада яхшилатишнинг янги турларини жорий этиш мақсадида Бутунжаҳон почта иттифоқининг IFS молиявий тизимига боғланди. Бугунги кунда IFS молиявий тизимидеги 14 та филиал билан электрон пул ўтказмалари амалга оширилмоқда, жамиятнинг 945 та почта алоқаси объектлари ушбу тизимга боғланган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

2012 йилнинг март ойидан бошлаб гибрид пул ўтказмалари тизими жорий этилиб, июнь ойидан тўлиқ электрон шаклда қабул қилиш йўлга қўйилди.

Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида "Тўловларни қабул қилиш автоматлаштирилган тизими" дастури яратилиб, барча почта алоқаси объектлари ушбу тизимга уланди. Шунингдек, ахборот-маълумот тизимини Интернет асосида (IBIS) қўллаган ҳолда посилка бўйича рекламация алмашинуви йўлга қўйилди.

Жамият томонидан "Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш тизими" жорий этилганлиги хизмат кўрсатиш доирасини янада кенгайтирди. Бу тизимга филиалларнинг 15 та почта алмашинув пунктлари, 174 та почта алоқа тармоқларидаги саралаш участкалари ҳамда "Халқаро почта-т" филиалларнинг иш жойлари боғланган. Мазкур тизимда Бутунжаҳон почта иттифоқининг PNG тизими воситаси орқали 16 та, жумладан, Германия, Бельгия, Эрон, Россия, Америка ва бошқа давлатлар билан почта жўнатмаларига тегишли электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилди.

Жамият томонидан ишлаб чиқилган "Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати автоматлаштирилган тизими"ни Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси томонидан яратилган "Пенсия" дастурига боғланган мақсади мавжуд дастурни модернизациялаш бўйича ишлар амалга оширилди.

"Обуна" автоматлаштирилган тизими дастури яратилиб, "Тошкент почта" филиалида синодан ўтказилди. Бугунги кунда ушбу дастурни барча филиалларда жорий этиш мақсадида дастурга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Обунани Интернет орқали расмийлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари негизини янада яхшилатишнинг янги турларини жорий этиш мақсадида 49 та почта алоқаси объектларида "Paynet" тизимига уланиб, зарур техника ва шарт-шароит яратилди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ хизмат турларини кенгайтириш ва қўшимча даромадларни ошириш мақсадида "Алс-ком", "Ўзагрорсуғурта", "Ўзагроринвест", "Евроазия инсшуранс", "Кафолат" суғурта компаниялари билан ҳамкорликда фаолият олиб борапти.

Р.АХМАДЖОHOV

2012 ЙИЛ — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ РЎЗҒОР ОБОД — КЎНГИЛ ШОД

Қизилтепа тумани аҳолиси бугун обод ва кўркам қишлоқлари, замонавий уй-жойлари, катта бунёдкорлик ишлари билан гурунланса арзийди. Утган йиллар мобайнида туманда барча соҳаларда туб ўзгаришлар амалга оширилди. Айниқса, одамларнинг онгу шууриндаги ўзгариш бўлди. Бугун қизилтепаликлар элу юртга хизмат қилиб, оиласини обод этиб, ватан равансига ҳисса қўшиш ҳисси билан яшаётганлиги эътирофга моликдир.

Тумандаги Фурқат номи маҳаллада яшовчи Дилшод Усмонов ёшли-гидан қушлар, паррандаларга қизиқар эди. Уқишдан қишлоққа қайтгунча 4 та тўтиқуш олиб келган, кейин бозордан турли хил қушлар сотиб олиб, кўпайтиргани ҳам шу қизиқлиқ натижаси эди. Ушундан кўпчилиқ "Овора бўлиб нима қиласан, бошқашининг бошини тусанг бўлмайди-ми?", дейишганида у оддийгина қилиб: "Шунга қизиқдим", — деб жавоб берарди.

Шундай қилиб, Дилшоднинг ховлиси паррандаларга тўлди: тўтиқуш, гоз, ўрдақ, каптар, товуқ. Кейин кўен кўпайтирди. Тухум ва жўжа сотишдан келган даромадга қўй, эчки, сигир олди. Мана, ўттиз йилдирки, у сердаромад соҳа билан шуғулланиб келаяпти. Хар йили 100 га яқин ўрдақ, гоз, курка бoш қотеди. Бу йил 100 бош ўрдақ, 100 бош гоз сотди.

Бугунги кунда сайроқи қушлар, жўжа ва янги боқилган паррандаларни олиш учун Дилшоднинг уйига келувчилар кўп. У паррандаларни турли касаликлардан асраш ҳақида ҳам маслаҳатлар беради.

— Паррандачилик яхшигина даромад манбаи, — дейди тадбиркор Д.Усмонов. — Фақат эринмаслик, қизиқлиқ керак. Қолаверса, оиламизда барча иш билан таъминланган. Умир йўлдошим, ўғлим Жамшид, қизим Гулшани ишларимга доимо кўмақчи. Меҳнатимизга яраша даромадимиз ҳам ортиб бормоқда.

Гойибонлик Шоназар ота Қаюмовни хонадонидеги мўъжазгина чилангарлик чеҳида учратдик. — Ёшим етмишда. Лекин темирчилик бобо мерос касб бўлгани учунми, ҳеч кўнгил узоқмайман. Ҳозир ва умр йўлдошим пенсия олсан-да, оиламиз фаровонлиги учун ҳаммиса ҳаракатда-миз, фойдали иш қилганимиз яхши-да! — дейди отахон.

Шоназар ота қишлоқдошларининг уй-рўзгор буюмлари — қайчи, кетмон, болта, ўроқ, ошпиқоқ ва бошқа рўзгор анжомларини таъмирлаб уларнинг раҳматига сазовор бўлаётди. Фарзандларининг ўқушига, касб ўрганишига бош-қош. Ўғли Отабек

ота изидан бориб чилангарликни пухта эгаллаган. Абдурасулжон озиқ-овқат технологияси соҳасида таҳсил оляпти.

Отахон томорқасидан ҳам унумли фойдаланади. Рўзгор учун керакли маҳсулотларнинг деярли барчаси томорқада етиштирилади.

Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини "Ўзбекистон" массивида "Қурилиш таъминотчи" МЧЖ 30 та, "Бунёдкор-капиталқурилишсервис" МЧЖ 10 та, темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш шўбба корхонаси 10 та — жами 50 та замонавий, барча қўлайликларга эга турар-жой қурилишини олиб боришяпти.

"Қизилтепакапиталқурилишсервис" МЧЖнинг Маждид Турсунов, Омон Атоев, Шерали Бекназаров, Камол Хусниддинов, Фазлиддин Иноятлов, Баходир ва Азамат Тешаев каби ишчиларининг ғайрати мақтовга лойиқ.

— Жамоянинг 62 нафар ишчиси қурилиш ашёларини ўз ўрнида ишла-тиш, исрофгарчиликка йўл қўйма-сликка интилишяпти. Уларга овқатланиш, хордик чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди қури-лиш раҳбари Н.Холиқов.

— Уй-жойларда ишларни сифатли ниҳоясига етказиб, уй қалитларини эгаларига етказиш ниятдаммиз, — дейди иш юритувчи Рамазон Уринов.

Баходир ЭҒАМОВ

Наманган Вилояти ҚИШКИ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР КИЗГИН ҲАҚИДА

Поп туманидаги "Навбахор" ҳамда "Наврўз" муқобил машина трактор паркни ҳудудида фаолият кўрсатётган фермер ҳўжаликлари Аччиқўл кум барханлари ўрнида ташкил этилган. Шу боис, бу ерларда деҳқончиликнинг ўзига хос мураккаб ва нозик жиҳатлари мавжуд. Айни кунларда далаларда қишки агротехник тадбирлар қизгин паллага кирган.

"Навбахор" муқобил машина трактор паркни ҳудудида деҳқончилик йўналишида 32 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ҳудудни деҳқончилик соҳасида катта таърибага эга бўлган Турдиали Турсунов бошқаради. Жорий йилда навбахорлик фермерлар давлатта 2645 тонна пахта топшириб, шартнома режасини 102 фоизга урдалашди.

Абдулпатто Турдиалиев раҳбарлик қилаётган "Турдиалиев



— Юртбошимизнинг фармони-га биноан жойларда Фермерлар ке-ғашлари ташкил этилганлиги Аен-дулпатто Турдиалиев сингари ил-ғор фермерлар ғайратига ғайрат кўши, — дейди "Наврўз" ММТП

бошқарувчиси Ғайратжон Қулма-тов. — Ҳудудимиздаги "Сабр-бара-ка", "Бекмирза ота" фермер ҳўжа-ликлари ҳам бетанин сай-ҳара-кат ҳамда фидокорона меҳнатлари эвазига жорий йилда мўлжалдаги 1352 тонна ўрнига 1482 тонна пахта хомашёси етиштиришди. Айни кунларда экин майдонларини шўр ювиш ишларига ҳозирлаш, дала четларига маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-завурларни қолиб тозалаш каби агротехник тадбирлар амал-га оширилмоқда.

Бу икки ҳудудда фаолият кўрсатётган қўшни фермер ҳўжаликлар-и тез-тез бир-бирларининг дала-ларида бўлишиб, ўзаро таъриба алмашади, қимматли маслаҳат-ларини беришади. Бу эса ҳосил қўғини кўпайтиришга хизмат қил-моқда.

Маъмур МУСУЛМОHOV, "Qishloq hayoti" мухбири.

МАКТАБДА ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўқитувчи ва ижодкор маҳнатининг ўхшаш томонлари кўп. Иккиси ҳам оламга, ёшлар қалбига зиб таратади. Дунё ва унинг моҳияти, ҳаёт сабоқлари ҳақидаги билими билан уларнинг юрагини забт этади, онгу шуурини равшанлаштиради, юракларига йўл топиш учун муттасил изланади. Ўқитувчининг ҳам, ижодкорнинг ҳам юзма-юз суҳбатдоши, сирдоши, тингловчиси ўқувчидир.



лар ўқиб беришди.

Янгийўл туманидаги 2-умумтаълим мактабда таниқли ижодкорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши раиси, "Гулхан" журнали бош муҳаррири Ашурали Жўраев, таниқли болалар шоирлари Турсунбой Адашбоев, Абдурахмон Акбар, Дилшод Ражаблар иштирок этишиб, болаларга бағишланган шеърларидан намуна-

— Бундай ижодий учрашувлар ёшлар таълим-тарбиясида, қолаверса, ўқувчиларнинг адабиётга, шеърингга бўлган қизиқиши янада ортишида катта аҳамиятга эгадир, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими услубчиси Гулбахор Маҳмадова. — Ижодкорларнинг

она-Ватан, ота-она, меҳр-муруват, қувноқ ва ҳазил шеърларини тинглаган ёшларда одамлар ва оламга, гуллари жонзотларга бўлган қарашлари янада теранлашади, десак муболаға бўлмайди. Учрашувда ўқувчилар бир олам таассурот олишди. Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишди.

Рашид ГАЛИЕВ

ЕНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

ҚОИДАГА РИОЯ ҚИЛИШ ЛОЗИМ

Ҳозирги кунда оловдан фойдаланишда бепарволик, лоқайдлик сабаб юзага келаётган ёнғинлар хонадонларда, корхона-ташкilot биноларида катта талафотлар, йўқотишлар, кишиларнинг жароҳатланиши ва ҳатто ҳаётдан бевақт кўз юмишига олиб келаётгани ҳеч биримизга сир эмас.

Шу ўринда ёниб турган газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирмаслик, уларни тунда ўчириб қўйиш, ўчоқларни ўт олдиришда бензин, керосин, солярка каби аланга олувчи воситалардан фойдаланмаслик, ясама ва носоз мосламаларни асло ишлатмаслик, газ мосламаларини резина, шланг орқали улаб фойдаланмаслик, уларни ўрнатишни фақат мутахассисларга ишониб топшириш талаб этилади.

Маҳмуджон ЭРГАШЕВ,

14-ХЕХК кичик инспектори, катта сержант.

ЁНИБ ТУРСА ПЕЧ, ЎЙНАШМАНГИЗ ҲЕЧ

Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш, газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилга камидан бир марта тазаланиши лозим. Газ печкаларини уч соатдан ортиқ узлуксиз ёқиб қўйиш, печка ёнида бензин, керосин каби тез ёнғичи суюқликларни сақлаш, электр асбоблардан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг гулурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғинни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардандир.

Лак, бўёқ, мебеллар, синтетик кийимлар сал учун теғса, аланга олади. Шу сабаб, уларни ҳам печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Каучук ва пластмассадан ясалган буюмлар тез ёнишидан ташқари, ўзидан кўплаб зарарли моддалар ҳам ажратиб чиқаради.

З.ҒОҒУРОВ,

28-ХЕХК кичик инспектори, сержант.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» банк (ОАЖ)

яқинлашиб келаётган 2013 йил муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:



«ЯНГИ ЙИЛ 2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 1 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг бериллади.

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КўПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Qishloq Qurilish Bank



Moody's Investors Service

халқаро рейтинг агентлиги

«Қишлоқ қурилиш банк»

очиқ акциядорлик тижорат банкининг

халқаро рейтинг даражасини қайта тасдиқлади.

Барча рейтинглар истиқболи

«ПОЗИТИВ»

Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 150-39-93, 150-93-39. www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюртмачи: Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри А.Навоий кўчаси 45-уй. Тел.: 224-19-97)

1. Андижон шаҳридаги Вилоят онкология Диспансери мавжуд биноларини капитал реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 4 184 384 570 сўм.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 3 486 987 142 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати — 275 кун.

2. Балиқчи тумани Тиббиёт бир-лашмаси биноларини реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 11 013 455 540 сўм.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 9 177 879 617 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати — 275 кун.

3. Андижон шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини реконструкция қилиш (2-босқич).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 5 851 154 690 сўм.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 4 875 962 242 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати — 275 кун.

4. Андижон туманидаги Вилоят болалар силга қарши санаторий-сини реконструкция қилиш (2-босқич).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 2 606 326 680 сўм.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 2 171 938 900 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати — 275 кун.

5. Олтинкўл тумани Тиббиёт бир-лашмасини реконструкция қилиш (2-босқич).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 8 849 693 650 сўм.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 7 374 744 708 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати — 275 кун.

Молиялаштириш манбаси: Бюджетдан ташқари умумтаълим ва тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

6. Шаҳрихон тумани Чинобод кўчасидаги 33-сонли ФИДМИ ўйингоҳини реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 882 808 100 сўм.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 735 673 417 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати — 220 кун.

Молиялаштириш манбаси: Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Дивқат! Ушбу объектларда танлов савдолари (тендер)ларни ўтказишда, бошқа тенг шартитларда кичик бизнес субъект-

лари афзаллиқа эга ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Андижон ш. Чинобод кўча, 59-уй, тел.факс: 226-72-02.

Бир тўплам танлов ҳужжатлари нархи: 70 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишиши охириги муддати, офёрталар очилиш кун ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган кундан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

<p>Бош муҳаррир: Чорн ЛАТИПОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехнология комплекси тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОКОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдуваҳоб ТАМИКЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сураят САЙДАЛИЕВА, Омикулла ЮНУСОВ, Анвар ЮЛМУРDOV (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шероод ҒУЛОМОВ, Муроддан АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p>	<p>ISSN 2030-7023</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Иқтисодий-саноат ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.</p> <p>ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.</p>	<p>Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04.</p> <p>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар</p>	<p>Навбатчи муҳаррир: Ҳ.МУМИНОВ Муоҳирок: О.ОЧИЛОВ Дизайнер: М.БОСОМУММЕДОВА</p>	
<p>Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқди.</p>	<p>Буюртма Г-1214, ҳажми 2 Босма табоқ.</p>	<p>Офсет усулида босилди, қроғз бичими А-2.</p>	<p>Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 20.50 15004 нусхада босилди. Нашр индекси — 144</p>	<p>Манзилини: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p>	<p>E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru</p>	<p>Газета тахриратининг ўзида компьютерда терилди ва сақфаланди.</p>	<p>«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.</p>	<p>2 3 4 5</p>